

PhD, доцент Иномжон Жуманиязов
Тошкент молия институти

СУВЕРЕН ФОНДЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада суверен фондлар фаолияти ва уларни бошариш принциплари ёритилган. Шунингдек суверен фондларни самарали бошқариш ва улар фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суверен фонд, суверен фондларни бошқариш, ижтимоий жавобгарлик, транспарентлик, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, стратегик мувофиқлик.

PRINCIPLES OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF SOVEREIGN FUNDS

Abstract. This article describes the activities of sovereign funds and the principles of their management. Scientific proposals and practical recommendations on effective management of sovereign funds and development of their activities have also been developed.

Key words: sovereign wealth fund, sovereign wealth management, social responsibility, transparency, Reconstruction and Development Fund, strategic alignment.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг бугунги глобал ўзгаришлар шароитида, бир томондан, молиявий заҳиралар, иккинчи томондан, халқаро молия бозорининг энг йирик иштирокчилари ҳисобланган суверен фондларнинг фаолиятига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Молия тизимида суверен маблағлардан фойдаланиш инқироз даврида йўқолган бюджет даромадларини қоплаш, молия бозорларини барқарорлаштириш, ҳукуматнинг кредит тизимида мақбул ликвидлик даражасини таъминлаш, истеъмол талаби ва фуқароларнинг ишончини тиклаш учун ягона мумкин бўлган инқирозга қарши восита бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда суверен фондлар дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётга давлат таъсирининг самарали воситаси эканлигини исботлади.

Халқаро амалиётда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини

барпо этиш мақсадида иқтисодий жадал ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни хорижий инвестициялар билан ҳамкорликда амалга ошириш борасида суверен фондлар ўз маблағлари билан инвестицион ва инновацион жараёнларни фаоллаштирувчи кучга айланган. 2022 йил маълумотларига кўра 50 дан ортиқ давлатда 100 дан ортиқ суверен фондлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий капитали 10,1 трлн АҚШ долларида ортиқни ташкил этади[11]. Суверен фондлар ташкил этилиш географиясига назар ташласак, 19,05 фоизи (28) Яқин Шарқ мамлакатларига, 19,05 фоизи (28) Осиё минтақасига, 17,69 фоизи (26) Африкага, 15,64 фоизи (23) Европага, 12,93 фоизи (19) Шимолий Америкага, 9,52 фоизи (14) Лотин Америкасига ва 6,1 фоизи (9) Австралия ва Тинч океани мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади[12].

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиётини таъминлаш орқали жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида суверен фондларни шакллантириш тенденцияси, шунингдек уларнинг ҳажми ва фаолият географиясининг кенгайиши, бундай институтларнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти, шунингдек, айрим давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун амалий инструмент сифатидаги иштироки бу фондларни самарали бошариш долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 барабар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш тараққиёт стратегиямизнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади [1]. Бу мақсадни амалга оширишда мамлакат суверен фонди Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, бир қатор давлатларда суверен фондларнинг фаолият юритишидан келиб чиққан ҳолда, суверен фондларнинг объектив бозордаги камчиликларни бартараф этиш вазифаси, монетар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда инфляцияни жиловлаш вазифаси, инсон капиталига давлат инвестицияларини киритиш, мамлакат иқтисодий секторнинг диверсификация даражасини ошириш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажариши мамлакат иқтисодий тараққиётида суверен фондлар аҳамиятини янада оширади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз бу мақолани суверен фондлар фаолияти самарали бошқаришнинг принципларини ўрганишга бағишладик.

Адабиётлар таҳлили

“Суверен фонд” атамасини илк бора қўлаган А. Розанов суверен фондларни давлат инвестиция фондлари сифатида таърифлаган ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган олтин-валюта захиралари ва давлат пенсия фондларидан функционал фарқларига эътибор қаратган. Унинг таъкидлашича, “иқтисодиётда суверен фондларни бошқарувчилар, улар хоҳ марказий банклар ёки мамлакатлар ҳукумати бўлсин, давлат захираларини анъанавий бошқарувдан суверен бойликни бошқаришга ўтиши жараёни кузитилмоқда. Бунда суверен фондларга маълум бир мажбуриятлар юклаб қўйилмайди ва давлат пенсия фондлари ёки олтин-валюта захираларидан фарқли равишда, уларнинг маблағлари рисклилик даражаси юқори бўлган активларга инвестиция қилинмайди” [2].

Суверен фондларни қолган давлат молия захираларидан ажратишда асосий жиҳат, бизнингча, давлат иқтисодий сиёсатини амалга ошириш воситаси ҳисобланади ва уларнинг маблағлари белгиланган макроиқтисодий мақсадларга эришиш учун фойдаланилади. Бу мақсадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бюджет харажатларини ва миллий валюта курсини барқарорлаштириш;
- келгуси авлодлар учун жамғармалар шакллантириш;
- инвестицион даромад ҳисобига келажақдаги пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш.

Макроиқтисодий кўламда бюджет даромадлари умумий ҳажмида бозор конъюнктурасига боғлиқ даромадларининг улуши сезиларли юқори бўлган ҳар қандай давлат бюджети даромадларнинг ноқулай равишда ўзгариб туришидан ҳимоя қиладиган механизм яратишга, шунингдек, қулай даврларда олинган бюджетдаги ортиқча маблағларни бошқаришнинг самарали тизимини ташкил қилишга интилади. Бунда суверен фондлар фаолиятини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

М.Г.Баронова фикрига кўра, “суверен фонд – фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган, билимга асосланган ва иқтисодий самарадор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда бюджет дефицитини молиялаштириш мақсадида давлат томонидан фойдаланиладиган пул маблағларининг алоҳида жамғармаси ҳисобланади” [3]. Бундан суверен

фондларнинг барқарорлаштириш хусусиятини кўпроқ очиб беришга ҳаракат қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Иқтисодчи олим К.Келимбетов ўзининг тадқиқот ишларида “Суверен фонд” тушунчасини қўллаган ҳолда унга қуйидагича таъриф берган “суверен фонд – бу иқтисодий институт ва бир вақтнинг ўзида давлат сиёсатини амалга оширувчи инструмент ҳисобланиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик вазифаларини амалга оширишга мўлжалланган, шунингдек, давлатнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини (миллий ва халқаро даражада) таъминлаш мақсадида молиявий (давлат бюджети бундан истисно) ва моддий активлар жамғармасидир” [4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади суверен фондлар фаолияти бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистонда суверен фонд сифатида фаолият юритаётган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятига қўллаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва иқтисодий статистик усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Суверен фондлар дастлаб ўтган асрнинг ўрталарида ташкил этила бошлаган. Бу ўтган даврларда уларнинг шакли, ҳажми ва мақсадлари интенсив ривожлана борди. Биринчи суверен фонд 20 асрнинг иккинчи ярмида Қувайтда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 80 дан ортиғи дунёнинг 50 дан ортиқ давлатида фаолият юритмоқда. 2007 йилда суверен фондлар институти ташкил этилган бўлиб, бу институт томонидан бугунги кунда суверен фондларнинг бир нечта параметрлари бўйича рейтинги эълон қилиниб борилади. Қуйидаги жадвалда суверен фондларнинг активлари бўйича энг катта 10 талигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки суверен фондлар институти томонидан таҳлил қилинган рейтингга кўра, бир неса йиллар Норвегиянинг Government Pension Fund Global [14] суверен фонди 1 трлн. АҚШ долларида ортиқ активга эга бўлгани ҳолда рўйхатни бошқариб келмоқда эди. 2022 йилда Хитой инвестиция корпорацияси активи 1 трлн 222 млрд. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда биринчи ўринга кўтарилди. Бундан ташқари Жаҳондаги 10 та энг йирик суверен фондларининг активларини, молиявий маблағларни шакллантириш

манбалари, ташкил этилган йили ва транспарентлик индекси бўйича маълумотларини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Жаҳондаги 10 та энг йирик суверен фондлари [11] (01.11.2022 йил ҳолатига)

№	Мамлакат	Суверен фонднинг номи	Активи, млрд АҚШ долл	Ташкил этилган йили	Маблағлар манбаси	Linaburg-Maduell Транспарентлик индекси
1	Хитой	China Investment Corporation	1222,3	2007	Хом-ашё бўлмаган манбалар	8
2	Норвегия	Government Pension Fund Global	1136,1	1990	Нефть	10
3	БАА, Абу-Даби	Abu-Dhabi Investment Authority, ADIA	708,7	1976	Нефть	6
4	Кувайт	Kuwait Investment Authority	708,4	1953	Нефть	6
5	Сингапур	Government of Singapore Investment Corporation, GIC	690	1981	Хом-ашё бўлмаган манбалар	6
6	Саудия Арабистони	Public Investment Fund	607,4	2008	Нефть	5
7	Гонконг	Hong Kong Monetary Authority Exchange Fund	588,9	1993	Хом-ашё бўлмаган манбалар	8
8	Сингапур	Temasek Holdings	496,6	1974	Хом-ашё бўлмаган манбалар	10
9	Қатар	Qatar Investment Authority	461,0	2005	Нефть, газ	5
10	Хитой	National Council for Social Security Fund of the People's Republic of China (NSSF)	447,4	2000	Хом-ашё бўлмаган манбалар	6

Жаҳон иқтисодий тараққиётида суверен фондлар фаолиятини таҳлил қилиш натижаси қуйидаги хулосалар чиқариш имконини беради [13]:

- дунёдаги ҳар бешинчи давлат ўзининг суверен фондига эга;
- Бирлашган Араб Амирликлари – узоқ йиллар давомида суверен фондлар активлари бўйича етакчилик қилиб келган. Сўнги йилларда Хитой фондлари молиявий ва инвестиция ҳажмини жадал равишда

кенгайтирмоқда. Бунинг алоҳида хусусияти шундаки БАА суверен фондлари активлари хом ашё маҳсулотлар реализация натижасида шакланган, Хитой суверен фондлари асосан хом ашё маҳсулотларига боғлиқ бўлмаган захиралар ҳисобига кенгаймоқда;

- Дунёдаги суверен фондлар жами активларининг қарийб 90 фоизини 25% давлатлардаги суверен фондларда йиғилган;

- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларидан энг катта активларга эга суверен фондлар Қозғистон ва Россия Федерациясига тўғри келиб, бу давлатларнинг суверен фондлари молиявий активлари бўйича етакчи ўринларда туради.

Суверен фондлар институтининг ёндашувларига кўра, суверен фондлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида очиқлик даражаси, инвестицион портфел даромадлилиги даражаси ва активлари ҳажми ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда, фонд ташкил этилган йили, яъни. қисқа муддатларда ўз активлар ҳажмини ошириш мезони киритилади.

Муайян бир мамлакатда қўлланадиган фондларнинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш қоидалари турли омилларнинг таъсир даражасига боғлиқ. Улар қаторига қуйидагилар киради: табиий-иқлим омиллари, мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик вазият, пул-кредит ва бюджет сиёсатини амалга ошириш самарадорлиги, шунингдек, суверен фонднинг ўзига хослиги ва бажарадиган вазифалари.

Ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг диверсификация даражаси пастлиги, иқтисодиётнинг хомашёга боғланиб қолганлиги туфайли инқирозли даврларни бартараф қилиш учун суверен фондларга зарурат юзага келади. Айрим мамлакатларда, мисол учун, Хитой ва Сингапурда суверен фондлар пайдо бўлиши товарлар экспорти ҳажмининг ўсиши ва ташқи истеъмолчига боғлиқлик юқорилиги билан асосланади.

Суверен фондларни ташкил этишда уларни молиявий маблағларини шакллантириш ва уларда фойдаланиш жараёни бир нечта принциплар асосида амалга оширилиши лозим (1-расмга қаранг).

Уларнинг хусусиятлари қуйидагича:

— стратегик мувофиқлик принципи [7] суверен фондларнинг мақсад ва вазифалари солиқ-бюджет ва пул-кредит тизими билан боғланган, шунингдек, иқтисодиётни ривожлантиришнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий режалари билан муносабатда бўлиши лозимлигини кўрсатади;

— маблағларни шакллантириш ва фойдаланиш тўлиқлиги принципи [8] давлат бюджетининг конъюнктура омилига боғлиқлигини пасайтириш учун барча конъюнктура даромадларини бошқариш кераклигини, уларнинг бир қисмини бошқаришни эмас;

— бошқарувда мақсадларни белгилаш принципи суверен фондлар белгиланган, аниқ ва тушунарли мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун ташкил этилиши лозимлигини англатади.


— самарали бошқарув принципи [7] суверен фондлар олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга тежамли эришиш учун ҳар бир бошқарув қатнашчисининг жавобгарликларини мос равишда тақсимлаган ва ваколатларни чегаралаган ҳолда тушунарли ва шаффоф бошқарув тузилмасини ташкил қилиш зарурлигини кўзда тутди;

— ижтимоий жавобгарлик принципи [9] суверен фондларнинг маблағлари асосий фойда олувчилар – бутун аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати мақсадларига эришишга йўналтирилиши лозимлигини англатади;

— самарали инвестициялаш принципи [10] шуни талаб қиладики, суверен фондларнинг маблағлари ишлаб чиқилган инвестиция стратегияларига мувофиқ ва инвестициялаш потенциал эҳтимолий рискларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим;

— мустақиллик принципи суверен фондларни бошқаришда суверен фондлар маблағларини шакллантириш, фойдаланиш ва инвестициялашнинг сиёсий конъюнктурадан мустақил бўлишини таъминланиши лозим;

— шаффофлик принципи, яъни суверен фондлар фаолияти инвестор операцияларига ишончини ошириш учун ахборот жиҳатидан шаффоф бўлиши лозим.




1-расм. Суверен фондлар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари¹

Юқорида кўрсатилган принциплар асосида суверен фондлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Лекин, бунда суверен фондлар фаолиятининг ривожланиши уларда профессионал бошқарувни ташкил этишга кўпроқ боғлиқ бўлади.

Суверен фондларни бошқариш деганда суверен фондларнинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш қоидалари ва усулларини, инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда уларни фондлар ташкил қилиш мақсадларига эришишга имкон берадиган ҳолатга келтириш бўйича фонд бошқарувчисининг фаолияти назарда тутилади.

Бизнингча, суверен фондлар бошқарувининг функционал элементлари қуйидагилар ҳисобланади: мақсадларни белгилаш, фонд маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш қоидаларини белгилаш, фонднинг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш, фондни бошқариш ташкилий тузилмасини шакллантириш, фонднинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш, фонд маблағларини инвестиция қилиш, фонд маблағлари билан операциялар ҳисоби ва ҳисоботи, шунингдек, суверен фондлар фаолиятини назорат қилиш (2-расмга қаранг).



2-расм. Суверен фондларни бошқариш схемаси [5]

¹Тадқиқот давомида муаллиф томонидан тузилган.

Суверен фондлар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш қоидаларини белгилаш деганда қўйилган вазифалар доирасида фондларнинг маблағларини тўлиқ шакллантириш ва самарали фойдаланиш имконини берадиган қоидалар ишлаб чиқиш ва қўллаш тушунилади. Масалан, фондларнинг маблағларини максимал даражада асраш мақсади қўйилган бўлса, қоидалар буни кўзда тутиши ва бу мақсаддан четга чиқишга йўл қўйилмаслиги лозим.

Суверен фонднинг инвестицион стратегияси бу – фонд инвестицион фаолиятининг умумий вазифалари ва инвестициялар йўналишлари, шунингдек, уларга эришишнинг энг самарали йўллари танлашни белгилаб берадиган мақсадлар тизимидир. Инвестицион стратегия ишлаб чиқиш бу – суверен фонд инвестицион фаолиятининг бош режасини ишлаб чиқиш бўлиб, унга риоя қилиш узок муддатли истиқболда инвестицион мақсадларга эришиш ва фонд вазифаларини ҳал қилишга имкон беради. Ўз навбатида, инвестицион декларация фонднинг инвестицион мақсадлари ва вазифаларига эришиш бўйича тактик режани ифодалайди ҳамда инвестицион стратегиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Инвестицион стратегияни амалга ошириш асосида суверен фондлар фаолияти бўйича қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Суверен фондларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси бошқарув тузилмасининг барча муҳим элементлари, вазифалари ва ваколатларни тақсимлаш, шунингдек, бошқарув қатнашчилари мажбуриятларини фонд миссиясини амалга оширишга йўналтиришнинг энг яхши тарзда тақсимланишини қамраб олиши лозим.

Суверен фондларнинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш суверен фонд маблағларини шакллантириш, уларни фонд маблағлари ҳисоби бўйича алоҳида ҳисобларга ўтказиш, шунингдек, маблағларни фонднинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга йўналтириш ўзаро боғлиқ жараёнини ифодалайди.

Амалиётдан маълумки, суверен фондлар маблағларини инвестициялаш бу – инвестицион даромад олиш мақсадида фонд маблағларини rischi паст бўлган соҳаларга жойлаштириш жараёнидир.

Фонд маблағлари билан операциялар ҳисоби ва ҳисоботи суверен фондларнинг амалга оширган операциялари бўйича ҳисоботни белгиланган тартибда тузиш, тегишли тартибда тақдим этиш бўйича тўлақонли тизимни ифодалайди. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳукумат органлари, мамлакат фуқаролари, ички ва ташқи аудиторлар, инвестиция фондлари истёъмолчилари ва бошқалар ахборотдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Суверен фонд фаолияти устидан назорат бошқарув тизимининг асосий функцияларидан бири ҳисобланади ва фонднинг оптимал фаолиятини таъминлаш мақсадида мониторингни ифодалайди. Олинган назорат натижалари асосида суверен фонд фаолияти мувофиқлаштирилади ва бошқарув қарорлари қабул қилинади. Шундай қилиб, назорат бу амалдаги натижаларни мақсадли ёки қўйилган натижалар билан таққослаш йўли билан қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлайдиган жараён эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Суверен фондлар фаолияти бўйича молиявий назорат даромадлар ўз вақтида, тўлиқ шаклланиши ва ўсиб боришига, харажатларнинг эса мақсадлилигига ҳамда самарадорлигига қаратилиши лозим.

Суверен фондларни бошқаришнинг асосида мақсадни белгилаш ётиши лозим. Жумладан М.Пановнинг фикрига кўра: “Мақсадларни белгилаш тизимнинг миссияси, стратегик кўрсатмалар ва ҳал этиладиган вазифалар характериға мувофиқ бош мақсад ва мақсадлар дарахти белгилашни кўзда тутадиган бошқарувнинг бирламчи босқичини ифодалайди” [6].

Бизнинг фикримизча, бошқариш доирасида функционал бошқарув элементлари мақсадлар тўлиқ қондириладиган ва суверен фондлар олдиға қўйилган вазифалар ҳал этиладиган даражада уйғунлашадиган бошқарув суверен фондларни самарали бошқариш ҳисобланади.

Хулоса

Юқорида суверен фондлар бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

Биринчидан, суверен фондларни бошқариш борасида хориж тажрибасини таҳлил қилиш натижалари фондлар ривожланишида қуйидаги тенденциялар мавжудлигидан далолат беради: ресурсларға боғлиқ қолмаган мамлакатларда юзаға келадиган суверен фондлар сонининг ўсиши устунлик қилади; тобора кўп сонли фондлар хомашё билан боғлиқ бўлмаган манбалар ҳисобига шакллантирилмоқда; келажакда янги фондлар ташкил топадиган асосий минтақа олтин-валюта захиралари катта бўлган Осиё бўлиб қолавермоқда; суверен фондлар инвестицион портфелининг структураси риск/даромадлилик кўрсаткичининг энг яхши уйғунлашуви ҳисобига рисклироқ активлар томон ўзгармоқда; суверен фондлар таркибида уларнинг маблағлари ривожланиш нуқтаи назаридан энг муаммоли бўлган иқтисодиёт

соҳаларида мамлакат ичкарасидаги инвестицияларга йўналтириладиган инфратузилма қуйи фондлари ташкил қилинмоқда.

Иккинчидан, илғор хориж тажрибасининг афзал жиҳатлари сифатида инвестицион фаолият бўйича молия бозори иштирокчисига айланиш, Жамғарма фаолияти бўйича юқори даражадаги шаффофликни таъминлаш ва активларни бошқаришда ташқи бозордаги фаолликни таъминлаш мақсадга мувофиқ;

Учинчидан, суверен фондлар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тамойиллари: стратегик мувофиқлаштириш тамойили, бошқарувда мақсадларни белгилаш тамойили, самарали бошқарув тамойили, фонд маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тўлиқлиги тамойили, ижтимоий жавобгарлик тамойили, самарали инвестициялаш тамойили, мустақиллик тамойили, шаффофлик тамойили белгилаб берилган.

Тўртинчидан, суверен фондларни бошқаришнинг қуйидаги элементлари ажратиб кўрсатилган: мақсадларни белгилаш, фонд маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш қоидаларини белгилаш, фонднинг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш, фондни бошқариш ташкилий структурасини шакллантириш, фонд маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш, фонд маблағларини инвестиция қилиш, фонд маблағлари билан операциялар ҳисоби ва ҳисоботлари, суверен фонд фаолиятини назорат қилиш.

Бешинчидан, суверен фондларни бошқариш риск ва даромадлилик маълум бир нисбатини таъминлаш бўйича фаолият (тор маънода) эмас, балки суверен фондлар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш (жумладан, жойлаштириш) қоидалари ва усулларини тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича бошқарув субъекти фаолияти сифатида кўриб чиқилиши зарур. Муайян қоидаларни қўллаш суверен фонд уларни ҳал қилиш учун таъсис этилган белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бу суверен фондларни бошқариш жараёнини энг тўлиқ ва кенг тушунишни таъминлайди.

Олтинчидан, суверен фондлар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш қоидалари ва усулларини ўрганиш, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, шунингдек, бошқарув элементларини ажратиш ва суверен фондлар фаолияти тамойилларини умумлаштириш суверен фондларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлашга имкон берди. Ушбу мезонлар ва кўрсаткичларнинг суверен фондларга нисбатан қўлланиши фондларнинг қанчалик самарали бошқарилишини, яъни фондларни ташкил эитшдан

қўйилган мақсадларга эришилган ёки эришилмаган эканлигини тушунишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining, 28.01.2022 yildagi “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni

2. Rozanov, A. Who holds the wealth of nations? / A. Rozanov // Central Banking Journal. — 2005. May. — Volume XV.- Number 4.-P. 52-57.

3. Baronovskaya M.G. Suverennie fondi blagosostoyaniya: institutsionalnaya organizatsiya i rol na mirovom finansovom rinke // Vestnik ekonomicheskoy integratsii. – Moskva, 2010. - № 8. — S. 143-148.

4. Kelimbetov K.N. “Rol suverennix fondov v obespecheniiustoychivoy mejdunarodnoy konkurentosposobnosti Kazaxstana”. Avtoreferat. diss na sois uchen step. d.e.n. –Moskva, 2017. -54 st. S-46

5. Vasin E.A. Povishenie effektivnosti upravleniya suverennimi fondami v Rossiyskoy Federatsii: Avtoreferat. diss na sois uchen step. k.e.n.-M., 2015.- 26 s. S-14

6. Panov, M.M. Otsenka deyatel'nosti i sistema upravleniya kompaniy na osnove KPI / M.M. Panov. — M.: Infra-M, 2013. — 255 s. S.25

7. Al-Hassan, A., Brake, S., Papaioannou, M.M.G. and Skancke, M., 2018. Commodity-based Sovereign Wealth Funds: Managing Financial Flows in the Context of the Sovereign Balance Sheet. International Monetary Fund.

8. Bortolotti, B., Fotak, V. and Loss, G., 2017. Taming Leviathan: Mitigating Political Interference in Sovereign Wealth Funds’ Public Equity Investments. BAFFI CAREFIN Centre Research Paper, 2017-64. [Online]. Available at: <https://ssrn.com/abstract=3088430> or <https://doi.org/10.2139/ssrn.3088430/> (Accessed: 1 February 2017)

9. Capapé, J., Guerrero Blanco, T., 2013. More Layers Than an Onion: Looking for a Definition of Sovereign Wealth Funds. ESADE Business School Research Paper No.21. [Online]. Available at: <https://ssrn.com/abstract=2391165> or <https://doi.org/10.2139/ssrn.2391165/> (Accessed: 14 April 2017)

10. Fotak, V., Gao, X., Megginson, W.L., 2017. A Financial Force to be Reckoned With? An Overview of Sovereign Wealth Funds. The Oxford Handbook of Sovereign Wealth Funds, p. 16

11. Suveren fondlar institutining rasmiy sayti. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>

12. <https://www.swfinstitute.org/profiles/sovereign-wealth-fund>

13. www.preqin.com/SWF20. Preqin special report: Sovereign wealth funds. August 2020
14. <https://www.nbim.no/en/> Norvegiya global pensiya fondining rasmiy sayti
15. <https://www.adia.ae/En/home.aspx>. Abu Dabi investitsiya agentligi-ning rasmiy sayti
16. <https://www.temasek.com.sg/en/index.html>. "Temasek" Xoldingi rasmiy sayti.
17. <http://www.minfin.ru/ru/stabfund>. Rossiya Federatsiyasining Barqarorlashtirish fondi rasmiy sayti.